

09.12. 2022 й.

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ва ҳаракатдаги низоми асосида фаолият кўрсатадиган «Сув таъминоти ва окова сув объектлари курилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Б.Сатимбоев бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Пудратчи» деб юритилади ва низоми асосида фаолият кўрсатадиган «Фирдавс-Зиё» хусусий фирмаси ва унинг раҳбари С.Ҳакимов иккинчи томондан «Андижон шаҳри "Ғайрат" МФЙ ҳудудида жойлашган 32 ва 16 кўп қаватли уйларга 0,4 км ичимлик тармоқ тортиш» лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда муаллифлик назорати ишларини олиб бориш учун пудрат шартномасини туздилар

### 1. Шартноманинг мазмуни

- 1.1. Пудратчи томондан томондан томондан «Андижон шаҳри "Ғайрат" МФЙ ҳудудида жойлашган 32 ва 16 кўп қаватли уйларга 0,4 км ичимлик тармоқ тортиш» лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда муаллифлик назорати ишларини олиб бориш мажбуриятини олади.
- 1.2. Пудратчи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлар курилишига лойиҳа – смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги ШНК1.03 01-03 қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.
- 1.3. Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисодий ва бошқа талаблар ишларини бажариш учун техник топшириқларда бўлади ва ушбу техник топшириқларда тайёрланган ҳужжатлар мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 1.4. Ишларнинг алоҳида босқичларининг рўйхати ва бажариладиган муддати календар режа асосида аниқланади ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 1.5. Пудратчи буюртмачи томонидан ёзма рухсати асосида қўшимча ички хўжалик шартномасини (Пудратчи томонидан бажарилмайдиган, лекин мазкур шартномани бажаришда керак бўлган махсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳақлидир.
- 1.6. Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.
- 1.7. Ишларни молиялаштириш бюджет маблағи ҳисобига амалга оширилади.

### 2. Томонларнинг мажбуриятлари

#### 2.1. Пудратчининг мажбуриятлари

Пудратчи буюртмачи томонидан берилган техник топшириқ ва бошқа бошланғич ҳужжатлар асосида лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, топографик съёмка, геология ҳулосаси, бурғулаш ишларига рухсатнома олиш ишларни бажариши лозим;

Буюртмачи билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг натижаларини келишади;  
Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишлар ҳақида буюртмачига ахборот жўнатади

2.2. Пудратчи мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учунчи шахсга беришга ҳақли эмас.

#### 2.3. Буюртмачининг мажбурияти:

- Пудратчига мазкур шартномада кўзда тутилган шароитларда белгиланган нархни тўлаш;
- Пудратчига мазкур шартномада кўзда тутилган шароитларда иш ҳажмларини бажаришда таъсир кўрсатиш;
  - Пудратчи билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келишиш;
  - Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини Пудратчининг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик;
  - Пудратчи томонидан бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини кузатиб бориш;

### 3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1. Мазкур шартнома бўйича лойиҳа ишларига ўтказилган эркин танловларнинг 2022 йил 28 ноябр кунги №93201 сонли лот учун ўтказилган танлов баённомаси билан белгиланган маблағлардан келиб чиққан холда 6 700 000 (олти миллион етти юз минг) сўмни ташкил этади

3.2. Буюртмачи Пудратчига мазкур шартноманинг умумий қийматидан 30 % бўнак (аванс) бу 2 010 000 (икки миллион ўн минг) сўм тўлаш мажбуриятини ва бажарилган ишлар тўлиқ топширилгандан сўнг колган 70 % сумма маблағни 4 690 000 (тўрт миллион олти юз тўксон минг) сўмни ушбу объект учун бюджетдан маблағ ажратилгандан сўнг туловни амалга оширишни ўз зиммасига олади.

3.3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган қурилиш нархи ва муддати узил – кесил ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

#### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида баҳоланади.

4.2. Пудратчи томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топшириқда аниқланади.

4.3. Пудратчи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига топшириш – қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 3 та нусхада ҳужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4. Буюртмачи мазкур шартноманинг, топшириш – қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатларини бажарилган ишларни 30 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш – қабул қилиш далолатномасини жўнатади. Пудратчи далолатномада кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиб, буюртмачига тақдим этиши шарт.

4.5. Бажарилган ишларни топшириш – қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгилловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6. Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 иш кун мобайнида бир – бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида ҳабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган мажбуриятлар юкланади.

4.7. Ўзаро ҳисоб – китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

#### **5. Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1. Буюртмачи ўз вақтида олдин тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга узайтирилади.

5.2. Буюртмачи шартномавий молиялаштириш лозим даражада бажармай уз вақтида туловни амалга оширмаганлиги учун тулов кечиктирилган хар бир кунга 0,4% миқдорида, аммо кечиктирилган сумманинг 50% ортик булмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.3. Пудратчи шартномада курсатилган мажбуриятини уз вақтида, сифатли бажармаса, буюртмачига бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган иш хажмининг 0,5 % ҳисобида, аммо 50% ортик булмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.4. Бажарилган ишлар(босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда пудратчи уларни беғараз ва удлик билан бартараф этиши керак.

5.5. Агар Пудратчи ўтган босқич учун ҳисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6. Агар содир бўлишига томонларнинг ҳеч бири жавоб бермайдиган (форс – мажор) ҳоллар юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрларига сўянадилар.

5.7. Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар керакли сифатга, техник шартларга ва мажбурият шартларига мос келмаса, Пудратчи Буюртмачига етказилган зарарни тўлайди.

5.8. Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

5.9. Агар пудратчи лойиха-смета ҳужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиха-смета ҳужжатларида камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачига етказилган зарарни тўлайди. Пудратчи ишлар сифатли, шартнома шартларига ШНК талабларига мос келишига жавоб беради.

#### **6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор)**

6.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф эти б бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

6.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортик вақтга чўзиладиган бўлса, Пудратчи ва Буюртмачи қурилишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишни талаб қилишга ҳақлидир.

6.3. Буюртмачи тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги Пудратчи учун «форс – мажор» ҳолатига тенг ҳисобланади.

### 7. Қўшимча шартлар

7.1. Буюртмачи 1.1.-бандда кўрсатилган объектдан ташқари, Пудратчи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, Пудратчи эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиш ҳуқуқига эга.

7.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3. Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичида хабардор қилишлари шарт.

### 8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, Газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан кейин кучга кириши ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати тугашига қарамай, томонлар шартларни бузганликлари жавобгарлигидан озод этмайди.

8.3. Мазкур шартнома 3 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пудратчига ва Газначилик бошқармасига берилади.

8.4. Шартнома амал қилиш муддати - 31 декабр 2022 йилга қадар.

### 9. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда Андижон туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

9.2. Томонлар ўртасида низо молиялаштириш бўйича келиб чиққан тақдирда низони қонуний ҳал этиш учун ишга молиялаштирвчи органнинг жалб этилиши таъминланади.

9.3. Буюртмачига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда молиялаштиришнинг кечикиши, амалга оширилмаслиги ҳолатлари бўйича буюртмачи жавобгар бўлиб ҳисобланмайди.

### 10. Томонларнинг реквизитлари:

БУЮРТМАЧИ	ПУДРАТЧИ
«Сув таъминоти ва сув оқова объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси	«Фирдавс-Зиё» ХФ
Андижон ш.	Мархамат тумани Ипак йўли 37-уй
Тел:	Тел: (+998-90) 216-93-84
СТИР: 305980724 ОКОНХ:90213	х/р: 20208000004300249001
Ш/хв: 302021860034017063201110021.	АТ Алоқабанк Тошкент шаҳар бош офиси
УзР Молия Вазирлиги Газначилиги	ИНН: 204760219 МФО: 00401
Ягона газна х/в 23402000300100001010	ОКОНХ: 61110
М Б ХККМ Тошкент ш.	
МФО 00014, СТИР 201142219	
Бошқарма бошқаруви Б.Сатимбоев	Раҳбар: С.Хакимов
М.Ў.	М.Ў.

